| INDORAMA | Индорама Агро МЧЖ | Хужжат № | O.06_IMS_F-1 |
|---|---|---|---|
| | | Нашр № ва Сана | Ver. 1 05.09.2022 |
| | | Текш.№ ва Сана | |
| | | Амалга кириш санаси | 16.09.2022 |
| | | Саҳифа | Page 1 of 1 |

# АГРО ПЕСТИЦИДЛАР ҚЎЛЛАШ СИЁСАТИ

"Индорама Агро" МЧЖ ХК (Компания) фаолиятини ажралмас қисми сифатида биологик хилма-хилликни ҳимоя қилиш ва пестицидларнинг атроф-муҳитга (сув, тупроқ ва ҳаво) ва инсон саломатлигига салбий таъсирини минималлаштиришга доим интилади.

**Биз қуйидагиларга амал қиламиз:**

- Пестицидларни сотиб олиш, сақлаш, қайта ишлаш, ташиш, фойдаланиш ва утилизация қилиш бўйича барча амалдаги миллий, минтақавий ва маҳаллий атроф-муҳит қоидаларига, ва Халқаро Молия Корпорацияси (IFC) ва БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотларини (FAO) энг яхши халқаро саноат амалиётларига риоя қиламиз.
- Кимёвий пестицидлардан фойдаланишда атроф-муҳит, жамият ва меҳнат саломатлигига потенциал таъсирини аниқлаш ва баҳолаш.
- Илғор саноат амалиётига мос равишда ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун махсус бошқарув режаси/дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.
- Зараркунандаларга қарши курашда пестицидлар хавфини камайтириш учун зарарсиз пестицидлар ва/ёки инсон ва атроф-муҳит учун энг зарари кам бўлган кимёвий пестицидларни танлаш орқали оқилона ҳаракатларни амалга ошириш.
- Омборда пестицидларнинг хавфсиз, ҳимояланган ҳолда ва алоҳида сақланишини таъминлаш.
- Пестицидлар билан боғлиқ бўлган фаолиятлар ва хавф-хатарларга мос келадиган муҳандислик стандартлари ва амалиёт харакатларини қабул қилиш ва пестицидлар билан ишлаш учун тегишли ҳимоя воситаларининг мавжудлигини таъминлаш.
- Компанияда пестицидлар билан ишловчи ходимлар ва ишчилар учун йиллик соғлиқни сақлаш назорати дастурларини яратиш ва илгари суриш.
- Компания фаолиятида улардан фойдаланиш/фойдаланиш натижасида пестицидларга таъсир қилиши мумкин бўлган ходимлар ва ишчилар учун йиллик.
- Атроф-муҳитдаги пестицид қолдиқларини назорат қилиш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ва пестицидларни қўллаш натижасида атроф-муҳит ифлосланиши билан боғлиқ ҳар қандай ҳодиса ҳақида тезкор равишда хабар бериш.
- Чиқиндиларни бошқариш бўйича ваколатли идоралар орқали яроқсиз пестицид контейнерларини хавфсиз ва ҳимояланган ҳолда утилизация қилишни таъминлаш механизми/тизимини яратиш.
- Пестицидларнинг атроф-муҳит ва саломатликка бўлган хавфларни ходимларга, яқин атрофдаги жамият ва бошқа манфаатдор томонларга етказиш.
- Пестицидлар билан ишлаш ва қўллаш билан шуғулланадиган ходимлар ва ишчиларнинг хабардорлигини ошириш ва тегишли ўқитиш ва мулоқот орқали уларнинг салоҳиятини ошириш.

Индорама МЧЖ ушбу сиёсатни амалга оширади, назорат қилади, ва бу бўйича мунтазам равишда ҳисобот беради. Ушбу сиёсат ҳар 2 йилда қайта кўриб чиқилади.

| | | | |
|---|---|---|---|
| Тайёрлаган: | Лавозим: - ЭИБ Бўлим Бошлиғи | Сана: 15.09.2022 | Имзо: |
| Текширган: | Лавозим: - Бош Бошқарувчи Раҳбар | Сана: 15.09.2022 | Имзо: |
| Тасдиқлаган: | Лавозим: - Бош директор | Сана: 15.09.2022 | Имзо: |

«INDORAMA AGRO» SIRDARYO FILIALI